БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 58 (16.141) • 11 март 1975 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин

1975 БЕШ ИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

МУСОБАҚА-ЮТУҚЛАР ГАРОВИ



Косон районидаги Энгельс номли колхоз деҳқонлари бу йил 1600 гектар майдонга чигит экадилар. Шундан 40 процентини ингичка толали пахта ташкил этади. Колхоз аъзолари кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Тракторлар, чигит экиш агрегатлари сифатли ремонт қилиниб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. 30 та чигит экиш сеялкаси, 340 комплект борона мавсумга шай! Суратда Шерқул Турдиев ва Нуриддин Туркабов ўртоқлар сўнгги агрегатларни ремонтдан чиқармоқдалар.

Н. Содиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанд область Пахтачи райони қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг 1975 йилда пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларни етиштиришни кўпайтиришда ички резервлардан янада кенгроқ фойдаланиш тўғрисидаги Мурожаатини маъқуллади.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ РЕЗЕРВИМИЗ

Самарқанд область Пахтачи райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар! Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўлган 1975 йил кўклам дала ишлари бошланишига жуда оз вақт қолди. Бу йил мамлакатимиздаги ва бутун дунёдаги меҳнаткашларнинг улкан байрами — Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 30 йиллигига ва халқаро хотинқизлар йилига тўғри келиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида бу йилни баракали меҳнат билан, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш билан нишонлашга бўлган даъват баралла эшитилди.

Бепоён Ватанимизнинг меҳнаткашлари бу чақириққа жавобан беш йилликнинг якунловчи йилида халқ хўжалигининг барча тармоқларида планларни ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун, партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишдилар.

«Бу планда белгиланган топшириқлар нақадар тиғиз бўлмасин, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида, — бизда бу топшириқларни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун зарур бўлган ҳамма имконият мавжуд. Бизда жуда катта иқтисодий қудрат, ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларнинг жўшқин кадрлари, катта илмий-техникавий потенциал, бой табиий ресурслар бор».

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, республика қурултойида Ватаннинг улкан хирмонига 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Мажбурият — фахрли ва масъулиятлидир, уни бажариш эса пахтакорлардан кўпдан-кўп меҳнат, ҳосилдорликни ошириш учун маҳорат ва барча резервларни сафарбар этишни талаб қилади.

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг деҳқонлари пахта етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини анча ортиғи билан бажармоқдалар. Республиканинг қўлга киритган бу катта ютуғида давлатга ўтган йили 530 минг тонна пахта топширган Самарқанд область пахтакорларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Районимиздаги бир группа пешқадам бригада бошлиқлари ўтган йилнинг бошида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашга аҳд қилдилар ва ўзларининг бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги чақириқ билан барча пахтакорларга мурожаат қилдилар. Пахтачиликларнинг ташаббуси кенг қанот ёзди. Бу ҳаракатга бутун республикада бригадалар, бўлимлар, колхозлар ва совхозлар қўшилди, районимиздаги 123 та пахтачилик бригадасидан 46 тасида гектаридан 50-61 центнердан, 39 тасида 45-49 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Умуман район бўйича эса ҳосилдорлик рекорд даражага етди — ҳар гектар майдондан биринчи марта 44,9 центнердан пахта олинди. Мамлакат улкан хирмонига 40 минг тонна ўрнига 57,7 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширилди.

Эришилган бу муваффақиятлар шундан далолат берадики, ҳар бир колхоз ва совхозда резервлар бор, бу резервлардан фойдаланиб, юқори ҳосилдорликка эришиш ва маҳсулот етиштиришни анчагина кўпайтириш мумкин. Районимиз меҳнат аҳлининг шиори фан ва илғор тажриба эришган муваффақиятлар негизида пахта етиштириш технологиясини ҳормай-толмай такомиллаштириб, тупроқнинг унумдорлигини ошириб ва техникадан иложи борича баракалироқ фойдаланиб, бугун кечагидан кўра, эртага бугунгидан кўра яхшироқ меҳнат қилишдан иборатдир.

Ўтган қишлоқ хўжалиги йилининг якунларига кўра районимиз ва «Коммунизм» колхози пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишдаги эришган юксак кўрсаткичлари учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди. Уларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди. Меҳнатимизга юксак баҳо берилганлигига жавобан биз бундан кейин ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун астойдил курашаверамиз.

Биз 1975 йилда оширилган мажбуриятлар олдик — гектаридан 46 центнердан ҳосил кўтариб, 60 минг тонна пахта етиштиришга, ҳосилнинг 65 процентини машинада териб олишга аҳд қилдик.

К. Маркс номли, Киров номли, Калинин номли, «Коммунизм», Охунбобоев номли, «Пахтакор», «Самарқанд» колхозларининг меҳнатчилари ўзаро социалистик мусобақа шартномаларини тузиб, барча ички резервларни ҳисобга олган ҳолда, ўз имкониятларини чамалаб кўриб, 1975 йилда ҳар гектар ердан 50-52 центнердан пахта ҳосили кўтаришга, 39 бригада коллективлари эса гектаридан 55—60 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар.

Халқ орасида: «ваъда вафоси билан улуғ!» деган гап бор. Ўз сўзимизнинг устидан чиқишимиз учун биз қандай конкрет резервларни ишга туширишимиз керак? Ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ҳар бир метр ердан, ҳар бир томчи сувдан ва ҳар бир килограмм ўғитдан тўла-тўкис фойдаланиш бундан кейин ҳам асосий резервларимиздан бири бўлиб қолади. Бунинг учун биз йўлларнинг ёқасини, экин майдонларининг чеккалари ва бурчакларини ҳайдаб чигит экамиз. Доимий ва мувақкат суғориш шохобчаларининг чеккаларида ҳам ғўза ўстираверамиз. Бундан ташқари, бошқа районлардаги сингари бизда анчагина зовурлар борки, ана шу зовурларнинг ёнида қазилган тупроқ уйиб қўйилган сунъий тепаликлар пайдо бўлганки, одатда ана шу ерлардан фойдаланилмайди. Биз ҳозир чигит экиладиган ва бошқа экин экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида ана шу тепаликларни текислашга киришдик.

Бу йил райондаги барча хўжаликларда вилтга чидамли ва серҳосил «Тошкент-1» пахта нави экилади. Бундай пахтанинг толаси анча сифатлироқ бўлади. 7000 гектар майдонда чигитни кенг қаторлаб экамиз, 2600 гектар майдонга эса чигитни уяларга аниқ-белгиланган миқдорда экамиз. Ғўза парвришининг илғор агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳисобига ҳосил учун курашнинг барча босқичларида ҳар гектар майдонда камида 105—107 минг туп кўчатни сақлаб қоламиз.

Бутун ғўза парвариши давомида пахтакорларнинг мусобақасини: «Юксак маҳорат учун, барча дала ишларининг аъло сифати учун» деган шиор асосида ташкил этамиз. Ҳозир экиш-тикишга намунали тайёргарлик кўриш, чигитни қисқа ва энг яхши агротехника муддатларида юқори сифатли экиш учун, мўл ҳосил етиштириш ва йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ғўза парваришининг барча ишларини аъло сифатли ўтказиш учун механизаторларнинг мусобақаси авж олиб кетди.

Мусобақа ғолибларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилган. Масалан, экиш агрегатининг экипажи—тракторчи билан сеялкачи агар улар ишлаган ерда чигит бир текис униб чиқса пул мукофоти оладилар.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Қишлоқ хўжалиги механизаторларининг энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, машиналарнинг техникавий имкониятларидан энг кўп фойдаланиш йўлидаги ҳаракати тўғрисида»ги қарорини чуқур мамнуният туйғуси билан қабул қилиб олдилар. Райондаги барча механизаторлар қишлоқ хўжалиги техникасидан моҳирлик билан фойдаланиш, ҳар бир агрегатнинг икки сменада ишлашини таъминлаш ва мав сумда юксак унумга эришиш учун курашга қўшилдилар. Бобошер Шавқиевнинг илғор тажриба мактаби очилди, бу мактабда етарли даражада билими ҳамда техникадан фойдаланиш кўникмалари бўлмаган ёш механизаторлар малакаларини оширадилар.

Фан билан тажриба шуни кўрсатмоқдаки, суғориладиган ердан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишда илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этиш жуда катта роль ўйнайди. Калинин номли колхозда алмашлаб экиш тўла-тўкис жорий этилган. Бу йил алмашлаб экиладиган далаларда бедапоялар кенгайтирилади ва келгуси йили хўжаликларнинг ҳаммаси алмашлаб экишни тўлатўкис ўзлаштирадилар.

Биз ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланишнинг конкрет тадбирларини белгилаб чиқдик. Минерал ўғит билан маҳаллий ўғитни далаларга агротупроқ картограммаларига биноан соламиз. Колхозларнинг ҳаммасида алмашлаб экишни жорий қилиш билан бирга далаларга навбати билан гўнг солиш схемаси жорий этилади. Алмашлаб экиладиган далаларнинг ҳар бир гектарига 25—30 тоннадан органик ўғит солинади. Ўғитлардан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш соҳасида олдимизда турган вазифаларни тўғри ҳал этиш мақсадида райондаги барча хўжаликларда «Коммунизм» колхози тажрибаси асосида хўжалик ҳисобидаги агрохимия отрядлари тузилди. 7 минг гектар майдондаги пахтазорда бегона ўтларга қарши курашда гербицидлардан фойдаланилади.

Беш йилликнинг якунловчи йилида оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун меҳнат мусобақасида райондаги колхозлар, бригадаларнинг ҳаммаси, барча меҳнаткашлар иштирок этадилар.

Биз деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа барча тармоқларини ривожлантириш марраларини ҳам белгилаб олдик. 1975 йилда ундан аввалги йилга нисбатан дон етиштиришни 2,8 баравар, шу жумладан маккажўхори дони етиштиришни 3 баравар, картошка етиштиришни, 1,6 баравар, сабзавот етиштиришни 1,4 баравар, полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришни 3,4 баравар, мева етиштиришни 2,9 баравар, узум етиштиришни 1,7 баравар, гўшт етиштиришни 1,2 баравар, сут етиштиришни 1,3 баравар, тухум етиштиришни 1,6 баравар, жун етиштиришни 2,2 баравар кўпайтирамиз. Қишлоқ хўжалиги барча маҳсулотларини тайёрлаш ҳам шунга яраша кўпаяди. Район хўжаликлари бўйича ҳар гектар ердан 85 центнердан маккажўхори дони, 140 центнердан беда пичани оламиз, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Моллар подасини урчитиб кўпайтирамиз, чорва моллар туёғининг ва паррандаларнинг анча кўпайишига эришамиз, ҳар бир бош сигирдан ўрта ҳисобда 2158 килограммгача сут соғиб оламиз.

Қадрли ўртоқлар! Биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларни етиштиришни кўпайтиришнинг баъзи бир резервларнигина айтиб ўтдик. Бундай резервлар область ҳамда республиканинг барча районлари ва хўжаликларида бор. Ҳар бир колхоз ва совхознинг ўз шароити, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун ўз имкониятлари бор. Биз республика қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларини мавжуд ички резервларни қидириб топиб, ундан кенг фойдаланишга, ҳар бир гектар майдондан баракали ҳосил кўтаришга даъват этамиз. Биз тўққизинчи беш йилликни юксак меҳнат муваффақиятлари билан якунлаш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш мажбуриятини оламиз ва Қўйи Чирчиқ, Денов, Жиззах, Избоскан, Қува, Навоий, Поп, Сирдарё, Тўрткўл, Хива, Шаҳрисабз районларининг пахтакорларини, барча қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини социалистик мусобақага чақирамиз.

БУ МУРОЖААТ ПАХТАЧИ РАЙОНИ ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

БУЮК ҒАЛАБА ШАРАФИГА

10 мартда Тошкентда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 30 йиллигига тайёргарлик ва бу байрамни ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия республика Социал таъминот министрлиги ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг уруш инвалидларининг ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий-маиший таъминотини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги ахборотларини тингланди. Республика ҳарбий комиссариатининг, ДОСААФ, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Тошкент шаҳар партия комитетининг раҳбарлари тарихий санага тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот бердилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. САФАРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ёзувчи Назир **Сафаровга** «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1975 йил, 7 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш муассасаларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ва республика аҳолисининг сиҳат-саломатлигини сақлашдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди:

Аҳмадалиев Мамажон — Андижон область, Хўжаобод районидаги зона касалхонасининг хирурги.

Вафоқулов Баҳром — Қашқадарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

Кирсанова Раиса Дмитриевна — Сурхондарё область юқумли касалликлар касалхонасининг врачи.

Мухторов Назрулла Мақсудович — Тошкент область, Оҳангарон район марказий касалхонасининг бош врачи.

Набиев Абдурасул — Ўзбекистон медицина ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси.

Раҳматуллаев Убайдулла — Жиззах область, Ғаллаорол район касалхонасининг врачи.

Рязанцев Владлен Александрович — Наманган область санитария-эпидемиология станциясининг врач-эпидемиологи.

Содиқова Ляля Гамировна — Сирдарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош акушер-гинекологи.

Тўқлиев Алижон — Тошкент ревмокардеология диспансерининг врачи.

Тютина Надежда Георгиевна — Хоразм область санитария-эпидемиология станциясининг бўлим мудири.

Убайдуллаев Турсун — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Семашко номли курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг врачи.

Ҳасанов Ином Мусаевич — Кўқон шаҳридаги 2-поликлиниканинг участка терапевти.

Хидирбоев Амин Хидирбоевич — Қорақалпоғистон АССР Беруний район санитария-эпидемиология станциясининг санитария врачи.

Хусанова Шаҳодат Ниёзовна — Самарқанд шаҳар юқумли касалликлар касалхонасининг врачи.

Шабалинский Евгений Антонович — Бухоро шаҳар касалхонасининг врачи.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми план органларида кўп йиллар ишлаганлиги ва республика халқ хўжалигини қурилиш материаллари билан таъминлашда актив қатнашганлиги учун, шунингдек туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Госплани қурилиш материаллари ва ишша саноати бўлимининг бошлиғи Владимир Акимович **Пашутинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУСОБАҚАНИНГ ШИОРИ: БУГУН КЕЧАГИДАН, ЭРТАГА БУГУНГИДАН КЎРА ЯХШИРОҚ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

10 мартда Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари активининг область меҳнаткашлари коллективларининг намояндалари билан биргаликда юксак мукофотларнинг топширилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга баланд руҳ билан сайладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини узоқ давом этган қарсаклар остида Тошкент областига топширди. Область 1974 йилда халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори кўрсаткичларга эришгани учун шу байроқ билан мукофотланган эди.

Ш. Р. Рашидов Тошкент областининг меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев номидан катта мукофот билан табриклаб, уларга меҳнатда янги муваффақиятлар тилади.

Тошкент областига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи топширилади. Область 1974 йилда пахтачиликни ривожлантиришда энг юқори натижаларга эришганлиги ва пахта етиштириш-теримини механизациялашнинг юксак даражасига эришганлиги учун социалистик мусобақа якунларига биноан шу байроқни олишга сазовор бўлган эди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг бригадири Ш. Нуриддинов, «Бўка» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Ковалева, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Н. Сафаров область халқ хўжалиги ходимларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга самимий ташаккур изҳор этдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар областдаги барча меҳнаткашларнинг фикри ва туйғуларини изҳор этиб, Тошкент области, Ўзбекистон, бутун мамлакат тўқкизинчи беш йилликда эришган катта муваффақиятларни КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезди кўрсатиб берган йўлни муваффақиятли амалга ошириш туфайли қўлга киритиш мумкин бўлганлиги тўғрисида гапирдилар.

Пойтахт области шаҳарлари ва районларининг меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати талаб қилганидек, ишларнинг даражасини янада кўтаришни ўз вазифалари деб биладилар. Ҳозирги асосий вазифа — барча резервларни ишга туширишдан, социалистик мусобақани «камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот етказиб беришлик» деган шиор асосида кенг авж олдириб юборишдан иборатдир.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат С. У. Султонова иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ДАШТГА ҲУЖУМ

Амударёдан Қарши даштига сув келтирилиши билан Қашқадарёнинг қўйи зонасида мингминглаб гектар майдонларни суғориш, бог-роглар, экинзорлар барпо этишга киришилди.

Қашқадарёликлар қишнинг илиқ кунларидан фойдаланиб, каналлар қазияптилар, ариқларга бетон «кўйлак» кийгизмоқдалар. Илгари чорва моллари боқиб келинган Ульянов районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг Найистон массивини ўзлаштириш қизғин давом эттирилянти. Ўтган йили бу массивдан 1000 гектар ер ўзлаштирилиб, беда ва дон уруғи ташланган эди. Экинлар Ульянов канали орқали Амударёдан етаклаб келтирилган об-ҳаёт билан суғорилди. Натижада ҳосили чакки бўлмади. Дон ва бедадан мўл ҳосил кўтарилди.

Массивга биринчи бўлиб область ирригация қурилишларига етакчилик қилиб келаётган «Эскиангарканалстрой» трестининг Қашқадарё кўчма механизациялашган колоннаси механизаторлари келишди. Ульянов каналидан то Найистон массивигача сув олиб борадиган канал қазишга киришилди.

Массивда барча иш конвейер усулида ташкил этилди. Бульдозерлар ерни текислагач, ҳайдов тракторлари билан чуқур шудгордан чиқарилди. Ҳозиргача 15 минг гектарлик Найистон массивида 10 минг гектарга яқин майдон ўзлаштирилиб, дон сепилди. Массивдаги барча майдонлар ўзлаштирилгач, бу ерда йирик ғаллачилик хўжалиги ташкил топади. Ғалла майдонларининг ҳаммаси Амударё суви билан суғориладиган бўлади.

Шу кунларда Найистонда иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин. Бетончилар канал саҳнига бетон қўймоқдалар. Бульдозерлар ва экскаваторларнинг овози чўл тинчини бузиб, кеча—кундуз ишлаяпти. Механизаторлар, ҳашарчилар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётирлар. Улар массивни тезроқ ўзлаштириб олиш пайида.

Ҳадемай асрий биёбоннинг бир бўлаги — Найистон ўзлаштириб бўлинади. Унинг бағрида бир бўстон яратилади. Найистон массиви Қашқа воҳасининг чинакам дон фабрикасига айланиб кетади.

Массив тупроғи унумдор ва донадор, турли хил минералларга бой. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан дон олиш мумкин. Бу — Найистоннинг ўзида минг-минглаб ғалла етиштириш имкониятлари борлигидан далолат.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Андижон бадиий буюмлар фабрикаси коллективи Хидиршо ноили янги гилам нусхасини тайёрлашга киришдилар. Суратларда: 1. Тажрибали гиламдўз К. Ф. Тарасова (чапдан) шогирди М. Мадраҳимовага янги нусха гиламнинг дастлабки намунасини кўрсатмоқда. 2. Гиламчилар бригадаси бошлиғи М. Абдувалиева иш устида. У етакчилик қилаётган коллектив ойлик топшириқларни 105-107 процент адо этяпти.

В. Таран фотолари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИОРДАНИЯДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М, Матчонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Иордания Миллат мажлисининг таклифига биноан 3 мартдан 10 мартгача расмий дўстона визит билан Иорданияда бўлди.

Шу визит давомида делегацияни Иордания қироли Ҳусайн бен Талал, шунингдек валиаҳд шаҳзода Ҳасан ва бош министр Зайд Рифаи қабул қилди.

Делегация сенат раиси Бажжат Тальхуни билан учрашди ва суҳбатлашди ҳамда Иордания Миллат мажлиси биносида бир қанча сенаторлар билан учрашди.

Делегация маданият ва ахборот министри Салоҳ Абду у Зайд билан, туризм ва қадимий ёдгорликлар министри Ғолиб Баракат билан, ташқи ишлар давлат министри Содиқ Ширеа билан учрашди.

Мана шу учрашувлар чоғида ҳар иккала мамлакат ҳаётининг ва фаолиятининг турли жиҳатлари билан танишиб чиқиш мақсадида дўстона суҳбатлар бўлди. Совет Иттифоқи билан Иордания Хошимийлар қироллиги ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Делегация Иорданияда бўлган чоғида бир қанча саноат корхоналарини ва илмий муассасаларни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш марказларини бориб кўрди, мамлакатнинг турли соҳаларда эришган муваффақиятлари билан танишиб чиқди. Делегация Иордания университетида, Ҳусайн номли госпиталда бўлиб, Жераш, Петру ва Ақабга танишиб чиқиш мақсадида сафар қилди. Делегация шу сафарлари чоғида савдо-сотиқ доираларининг ,ишчилар касаба союзларининг вакиллари билан, фермерлар билан, Иордания жамоатчилиги намояндалари, Иордания — Совет дўстлиги жамияти аъзолари билан учрашди. Делегация, шунингдек Иордан дарёси водийсидаги баъзи олдинги позицияларни бориб кўрди.

Давлат ва жамоат арбоблари билан, миллат мажлиси аъзолари билан рўй-рост дўстона вазиятда ўтган учрашув давомида ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаёти, СССР билан Иордания қонун чиқарувчи органларининг фаолияти тўғрисида томонлар бир-бирларига ахборот бердилар. Шунингдек ҳар иккала мамлакат парламентлари учун қизиқарли бўлган масалалар ва улар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилинди. Томонлар СССР билан Иордания ўртасида делегацияларни айрбошлашни давом эттириш йўли билан, шунингдек парламентлараро иттифоқда ҳамда бошқа тегишли халқаро ташкилотларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўли билан парламентлар ўртасидаги алоқани кенгайтиришга интилажакларини билдирдилар.

Томонлар муҳим халқаро проблемалар хусусида ва аввало Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳволга доир масалалар тўғрисида фикрлашиб олдилар. Томонлар шу райондаги Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олган барча территориялардан, шу жумладан Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмидан тамомила чиқариб юбориш ва фаластинлик араб халқининг миллий муддаоларига мувофиқ равишда уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосидагина адолатли ва мустаҳкам тинчлик қарор топтириш мумкин эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

СССР Олий Совети делегацияси Иордания халқининг Исроил агрессиясига қарши олиб бораётган курашига юксак баҳо берди. Делегация Исроилнинг 1967 йилда босиб олган Қуддус шаҳрининг араблар яшайдиган қисми статусини ва қиёфасини ўзгартиришга қаратилган ғайри қонуний ҳаракатларини, уни аннексия қилиш йўлидаги уринишларини кескин қоралади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги 242-ва 1973 йил 22 октябрдаги 338-резолюцияларини бажариш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Совет делегацияси шу билан бирга Яқин Шарқ масаласи юзасидан барча манфаатдор томонлар иштирокида жуда яқин вақт ичида Женева сулҳ конференциясининг ўз ишини қайтадан бошлаб юбориши шу районда адолатли ва мустаҳкам тинчликни қарор топтиришда муҳим роль ўйнаши кераклигини таъкидлади.

Томонлар араб давлатлари бошлиқларининг Работда бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган қарорлар Исроил оккупациясини тугатиш, Яқин Шарқдаги низони бартараф этишга эришиш ва шу районда адолатли ҳамда доимий тинчликни қарор топтириш учун курашда араб давлатлари ва халқларининг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун муҳим эканлигини уқтириб ўтдилар.

Совет томони СССРнинг араб мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни тобора мустаҳкамлашдан иборат йўли ўзгармас ва изчил йўл эканлигини таъкидлади, арабларнинг адолатли ишини, уларнинг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги курашини тўла равишда қўллаб-қувватлашини билдирди.

Томонлар Совет — Иордания муносабатларини ривожлантиришга ҳар икки томон ҳам интилажагини ва шу муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун янада куч-ғайрат сарфлашга умид боғлаганликларини изҳор этдилар.

Совет делегацияси Иорданияда бўлган чоғида расмий кишилар томонидан ҳам, мамлакат аҳолиси томонидан ҳам кўрсатилган меҳмондўстлик учун ўзининг миннатдорчилигини ва ташаккурини изҳор этди.

Иордания томони дўстона совет делегациясининг визитидан ғоят мамнун эканлигини ва бундай дўстона визитлар давом эттирилишига умидвор эканлигини билдирди.

СССР Олий Совети делегацияси Иордания Миллат мажлиси делегациясининг Иордания томони учун мақбул бўлган вақтда Совет Иттифоқига бориши тўғрисидаги таклифни сенат раисига топширди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

ҚУРИЛИШ ЮКСАК СУРЪАТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛСИН

Беш йиллик якунловчи йилининг ишга туширилаётган ва жуда муҳим қурилишларида меҳнат ғайрати кун сайин кучайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилигида план ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Республиканинг қурувчилари ва монтажчилари январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўп капитал маблағларини ўзлаштирдилар ва 7 процент кўп қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари икки ойлик планининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

(План бажарилиши процент ҳисобида — биринчи стун февралдагиси, иккинчи стун январь — февралдагиси, учинчи стун шу йилнинг икки ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бажарилгани)

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	100,3	100,2	104,0
Ўзбекистон ССР Қишлоқ Қурилиши министрлиги	102,0	95,0	108,0
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	107,0	103,0	99,2
«Главташкентстрой»	102,0	101,0	100,3
«Узколхозстрой»	112,0	107,0	118,0
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	102,0	93,0	137,0
«Узглавводстрой»	105,0	103,0	114,0
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	105,0	105,0	105,0
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	106,0	106,0	113,0

Шу билан бирга қурилиш ва монтаж ташкилотларининг айрим коллективлари ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун ҳали астойдил кураш олиб бормаяптилар, бу мажбуриятларни тўла-тўкис бажармаяптилар, баъзилари эса давлат планидан орқада қолишга йўл қўйдилар. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги январь-февраль ойларида ишларни 1974 йилнинг шу давридагига нисбатан ёмонлаштириб юборди. Ўзбекистон ССР қурилиш ва қишлоқ қурилиши министрликлари зиммаларидаги мажбуриятларни бажармади. Меҳнатни ташкил этиш ва қурилиш-монтаж ишларини олиб боришдаги камчиликлар, иш вақтининг унумсиз нобуд қилиниши, қурилиш техникасидан тўла фойдаланмаслик, меҳнат интизоми ва давлат интизомига риоя этмаслик шу министрликларнинг орқада қолаётганликларига асосий сабаб бўлаяпти.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг вазифаси тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили биринчи кварталининг плани ва мажбуриятларини сўзсиз бажаришга коллективларни сафарбар этишдан иборатдир.

Ҳар бир майдонда иш қандай бораётганлиги билан муфассал танишиб чиқмоқ, куч-ғайратни биринчи навбатда ишга туширилаётган объектларга сафарбар этмоқ зарур.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари ҳамма чораларни кўриб, биринчи квартал планида кўзда тутилган уйжойлар, касалхоналар, поликлиникалар ҳамда маданий-маиший аҳамиятдаги бошқа муассасалар ишга туширилишини таъминлашлари лозим.

Тўққизинчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли амалга оширилмоғи учун қурувчилар якунловчи йилда зарбдор меҳнат қиладилар.

УНУМДОРЛИК ҚУРИЛМАСИ

ЧИРЧИҚ. Азот саноати давлат институти филиалининг олимлари Ровно химия комбинати коллективининг буюртмасини бажардилар. Улар янги минерал ўғит-аммоний полифосфати ишлаб чиқариш учун мўлжалланган тажриба-саноат қурилмаси лойиҳасини корхонага топширдилар.

Чирчиқлик олимлар таклиф қилган технология таркибида тўйинмли моддалари саксон процентгача бўлган юқори сифатли комплекс ўғит ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Қурилма аммоний полифосфатини донадор тарзда ҳам, суюқ ҳолда ҳам ишлаб чиқариши мумкин.

КОРХОНАЛАР ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАСИН!

ОЛТИНГУГУРТ ЖАВҲАРИ

Бундан ўттиз беш йил муқаддам Чирчиқ кимёгарлари қўқон аравага дастлабки селитрани ортиб, Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдондан Октябрь байрами намойишида ўтишган эди. Бу қалдирғоч минерал ўғит карвони эди. Шундан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Химия саноати ҳам кўпдан кўп-довонлар ошиб, ҳозирги чўққиларга кўтарилди.

Лекин ҳамиша ўғит карвонлари «оқ олтин» карвонлари билан биргаликда келаверган. Мана, ўзингиз бир қиёс қилиб кўринг: тупроқнинг табиий унумдорлиги суғориладиган ерларда 10-15 центнер пахта ҳосили кўтаришга имкон берар эди. Лекин пахтакорларимиз табиатнинг ўзи инъом этган ҳосил билан кифояланиб қолаётганлари йўқ. Ўтган йили мамлакатимиз деҳқонлари гектаридан 29,2 центнердан хирмон кўтаришди. Ўзбекистон пахтакорлари эса салкам 31 центнерга чиқиб олишди. Бу ҳақда куни кеча қурултойнинг мўътабар минбаридан айтилди. Хуллас, завод ва комбинатлардан ўғит дарёси азимдек оққани сайин хирмонга ҳам тобора барака киради. Шу боисдан ҳам ўғит саноатини йил сайин юксалтиришга катта эътибор бериб келиняпти. Эндиликда Ўзбекистон четдан ўғит ташиб келтираётгани йўқ, бошқа қардош республикаларга ҳосил ҳамиртурушини пешма-пеш юбориб ҳам турибди. Янги корхоналар, цехлар ишга тушяпти. Янгиларининг лойиҳаси тузилмоқда, қурилмоқда...

Самарқанд суперфосфат заводининг директори Қамар Камоловнинг иши бошидан ошиб ётипти. Янги цех — янги ташвиш. Ҳужжатларда, оғизда цех дейилса ҳам, лекин сульфат кислотаси ишлаб чиқарадиган бу гигантни аслида бир неча корхонага қиёс этса арзийди. Янги йил бошларида бу цехнинг ишга туширилганлиги ҳақидаги ҳужжатга баобрў ташкилотларнинг раҳбарлари қўл қўйдилар. Лекин бу имзогача бўлган юмушлар, ташвишлар, куч-ғайрат, минг-минглаб одамларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашини айтмайсизми?! Самарқанд химия объектлари қурилиши трестининг бинокорлари сўзларининг устидан чиқиб ,ушбу комплексни муддатидан 13 ой илгари қуриб битказдилар. Трест бошлиғи Александр Эмга шу ҳақда савол бергудек бўлсангиз, у пешқадам қурувчиларнинг номларини тилга олади, лойиҳачиларни эҳтиром билан эслайди. «Гипрохим» мутахассисларига раҳмат, мушкулимизни осон қилишди, дейди. Дарҳақиқат, шу институт ходимлари сульфат кислота цехининг мукаммал лойиҳасини тузиб бердилар. Яна муҳими: улар иш устида бўлиб, чигал масалаларни бинокорлар билан баҳамжиҳат ҳал қилиб бордилар, бу ишнинг осон кўчишига ёрдам берди.

Хўш, аслида лойиҳанинг каромати нимада?! Сульфат кислотаси иккиламчи контактлаш усули билан олинади. Буни химиядан анча узоқдаги одам қандоқ тушунса бўлади, деб сўрарсиз. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, бу ҳом ашёдан тўла-тўкис, чиқитга чиқармай фойдаланишга имкон беради. Корхона тепасидаги ҳаво ифлосланмайди, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади...

Корхона сардори Қамар Мавлонович иш кабинетида бир оз ҳорғин ўтирипти. Олимлар, лойиҳачилар, бинокорлар цехни ишга туширдик деб, хайр-хўшлашиб жўнаб қолишгани йўқ. Шу кунларда ҳам директор хонасидан, партком хонасидан уларнинг қадами узилмаяпти. Демак, иш чала-ярим бўлган экан-да, деган хаёлга бора кўрманг. Ахир, бу цех деганимиз жудаям бир мураккаб организм. Асосий ишлар тугаган бўлса ҳам, энди навбат цехни тўла қувват билан ишга туширишга тақалиб қолган. Бунга олти ой муҳлат берилипти, лекин самарқандлик кимёгарлар халқ хўжалигимизга сульфат кислотанинг нақадар зарурлигини ўйлаб, ярим ой бурун бу корхонани тўла қувват билан юргизиб юборишмоқчи. Бунинг учун эса бинокорлар, лойиҳачилар, ишчи, мутахассислар бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш тутишлари лозим.

Ростини айтганда, бинокор, лойиҳачи, монтажчи йирик бир объектни тиклаётганида, улар ўртасида баҳс, тортишувлар бўлиб туради. Бундай қараганда, шундай бўлиши табиийдек. Олмалиқ химия заводи қурилаётганида бир катта йиғинда қатнашган эдик. Шунда ёрдамчи пудратчи трест бошлиғи ҳамма айбни бош пудратчига қўйгани, Қурилиш министрлиги ўзининг ҳардамхаёллигини, айбни буюртмачига тўнкаб хаспўшламоқчи бўлгани, буюртмачи эса ускуна тайёрлаётган заводларни камситганининг гувоҳи бўлган эдик. Баъзан шу аснода гап талашиб, айбдор қидирилиб, вақт беҳуда ўтганини, бунинг ишга сирасира нафи тегмаганини сиз ҳам эштигандирсиз ёки гувоҳи бўлгандирсиз. Қуруқ «даҳанаки жанг»нинг, бир-бирига айб тўнкашнинг оқибати яхши бўлмайди.

...Самарқанд сульфат кислотаси цехи қурилиши жараёнининг ажиб бир ҳислати шуки, ана шунақанги машмашалар кам: қурилиш министри монтажчи ташкилотларнинг абжирлиги ва ғайрат билан ишлаётганликларини мўътабар анжуманда хурсанд бўлиб гапиради, монтажчилар сардори эса қурувчиларнинг ишига юксак баҳо бериб, елкадошларимизга раҳмат, дейди. Икковлари ускуна тайёрлаб бераётган кўпгина корхоналарнинг ишидан хурсанд эканликларини айтадилар. Лекин бу энди қурилиш майдонида муаммолар қолмапти-да, қаранг, олам гулистон бўлиб кетипти, деган маънони билдирмайди. Бинокор кадрларнинг тажрибаси ортгани, раҳбарлик савияси кўтарилгани аниқ. Улар масъулиятни ниҳоятда чуқур ҳис этаётганлари қувончли. Лекин шу ҳам аёнки, ҳали ҳам айрим ускуналарга қурувчилар маҳтал бўлиб турипти, шу боисдан иш орқага кетган кезлар ҳам бор: «Самарқандхимстрой» трести меҳнат унумдорлиги жиҳатидан министрлик бўйича берироқ ўринни эгаллаб турган экан, бунга меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар билан бир қаторда айрим машина ва механизмларнинг вақтида келмаслиги оқибатида ишчиларнинг бекор туриб қолиши ҳам сабабчи бўлмоқда.

Шу кунларда Самарқанд суперфосфат заводининг янги сульфат кислота цехида ўрнатилган ускуна ва механизмлар ишлатиб кўрилмоқда. Цех маҳсулот ҳам беряпти. Лекин, олинаётган кислота ҳали оз. Корхона қувватининг бешдан икки қисмига баравар. Цех тўла-тўкис ишга туширилгач, неча-неча юз минг тонна олтингугурт жавҳари (кислотаси) олинади.

— Отнинг вақтида чопгани маъқул — деди корхона партия комитетининг секретари Николай Семенович Бражников. — Улоқни бой бермай деган чавандоз тулпорини вақтида қамчилайди. — Мийиғида кулиб сўзида давом этади котиб. — Карвондан ортда қолмаслик ҳаракатидамиз. Ишчиларни, мутахассисларни ўқитишни, малакасини оширишни партия ташкилоти ҳамиша назаридан қочирмади. Янги цехда ишлаш лозим бўлган кишилар мамлакатимиздаги пешқадам корхоналарда ҳунар ўрганиб, малакаларини ошириб қайтишди. Энди улар янги цехда ишбоши бўлиб турипптилар. Партия йиғилишида янги цехни тўла қувват билан ишга солиш масаласини муҳокама қилиб, конкрет тадбирлар белгилаб олдик. Энди гап уларни собитқадамлик билан амалга оширишда қолган. Ахир, гапнинг субути ҳам иш билан эмасми?!

Олтингугурт жавҳари цехи — мамлакатимиздаги шу тоифа йирик ишхоналардан бири. Суперфосфат заводида эллигинчи йилларнинг бошида ишга тушган сульфат кислотаси цехи ҳам бор. Сўнгги чорак аср мобайнида олтингугурт жавҳари корхоналари қуриш ва ишга туширишда борасида техника тараққиёти ва илмфан нақадар илгарилаб кетганлигини илғамоқ учун икки рақам келтириб ўтиш кифоя. Янги цехда ишлаётганлар эскисида меҳнат қилаётганларга нисбатан икки баравар кам бўлса ҳам тайёрланадиган маҳсулот тўрт баравар кўп бўлади. Эски цехда бир тонна колчедан маъданидан бир тонна сульфат кислотаси олинар эди. Янгисида эса бир тонна олтингугуртдан уч тонна олтингугурт жавҳари олинади. Ана шунақанги ажойиб ўзгаришлар, буларни юксалиш ва равнақ пиллапоялари десак арзийди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. АБДУҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

Самарқанд суперфосфат заводи.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ЭЛЕКТР ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қирғизистонда биринчи 500 киловатт кучланишли электр линияси фойдаланишга топширилди. У Тўхтағул ГЭСини Андижон билан боғлади.

Электр линиясининг нўпгина устунлари 3200 метр баландликда ўрнатилган. Буларни ўрнатиш учун чиқиш қийин бўлган жойларга янги йўллар очишга, минглаб куб метр қояларни портлатишга тўғри келди.

Электр станциясининг дастлабки икки агрегати ҳосил қилувчи ток янги трасса орқали Ўрта Осиё туташ энергосистемасига келиб қўшилди. Ҳозир қурувчилар Фрунзегача шундай электр линиясини тортмоқдалар.

АКАДЕМИЯ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛМОҚДА

Қозоғистон пойтахтида республика Фанлар академиясининг янги қурилишлари қад кўтарадиган майдонда дастлабки юзлаб куб метр тупроқ қазилди. Бу ерда ижтимоий фанлар бўлимларининг тўрт институти, олимлар уйи, 2 миллион том китоб сиғадиган марказий илмий кутубхонанинг зилзилага бардош берадиган корпуслари қад кўтаради. Биноларни қуришда йиғма темир-бетон ва пўлат конструкциялар, мармар ва бошқа тоғ жисмларидан ясалган манзарали панерлар ишлатилади.

ЖАНГЛАР БЎЛГАН ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ

Душанба. Бу йил биринчи «Тожикистон» туристик поезди Душанбадан жўнаб кетди. Поезд Волгоград, Пятигорск ва бошқа шаҳарларга боради. Туристлар орасида қишлоқ хўжалиги илғорлари бор. Собиқ жангчилар ҳам бошқа туристлар билан биргаликда тарихий жанглар бўлиб ўтган жойларни бориб кўрадилар.

Бу йил Тожикистон саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги илғорларидан 2 мингдан кўпроқ киши поездларда Улуғ Ватан уруши жанглари бўлган жойлар бўйлаб, Россия Федерацияси, Украина, Молдавия ва бошқа қардош республикаларнинг шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилади.

ЭНГ УЛКАН ДОН ОМБОРИ

Орёлдаги энг йирик Должан элеватори давлат комиссияси томонидан энг яхши баҳо билан қабул қилиб олинди. Улкан элеватор 39 минг тонна донни сиғдира олади. Қурувчи ва монтажчилар бу зарур объектни давлат планида кўзда тутилган муддатида топширишга муваффақ бўлдилар. Айни вақтда корхонанинг иккинчи навбатини ишга тушириш учун монтаж ишлари қизғин олиб борилаётир.

(ТАСС мухбирлари).

Техника тараққиёти — беш йиллик байроғи

ЯШИЛ ЙЎЛ РАВНАКИ

Қизил шапкасини бостириб кийиб олган станция навбатчиси ҳуштак чалди. Паровоз кескин ва давомли гудок бериб, осмонга қуюқ қора тутун кўтарилди. Поезд жойидан қўзғалганда ҳам тутун кўк юзида сузиб юрар, станция атрофидаги бинолар ва дарахтлар тепасида ҳалқа-ҳалқа бўлиб осилиб турарди.

Ҳа, илгари шундай эди. Поездни бошқараётган машинист навбатчи ҳуштаги билан қўзғалгач, бошқа назорат қилинмасди. Бораётган станцияси йўлида йўл стрелкалари алмаштирилганми, йўқми? Уни қайси йўлдан кутиб олишади? Вагонларда кетаётган юзлаб-минглаб йўловчиларнинг ҳаётига масъул машинист бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга бўлмасди. Станция ходимлари ҳам йўл бўйи поезд қандай келяпти, составга қанақа ёрдам керак, паровоз тузатилганми, ёқилғи етарлими, билишмасди.

— Ҳатто, ишонгинг ҳам келмайди, — дейди Тошкент алоқа ва сигнализация дистанцияси бошлиғи Анатолий Соловьёв бу ҳақда ҳикоя қиларкан.

Ҳавони қора тутунга тўлдирган паровозлар, бурқсиб ёнган керосин чироқлар, қўлда тўғриланувчи стрелка ва семафорлар, шунингдек, бошқа кўплаб оддий нарсалар темир йўл транспортининг кечаги ўтмиши бўлиб қолди. Ҳозир ўзгача.

Тошкент темир йўл бўлинмаси шимолга қараб—Тошкентдан Чингелди станциясигача, жанубда пойтахтдан Сирдарёгача 400 километр узунликдаги темир изни қамраб олади. Темир йўлчилар ана шу масофа бўйлаб намунали темир йўл хизматини таъминлайдилар.

Автоматика ва телемеханика мамлакатимиз темир йўл транспортидаги сингари Тошкент темир йўл бўлинмасида ҳам кенг жорий этилди. Эндиликда автоматик қурилмалар темир йўл даги жисмоний меҳнатга бутунлай чек қўймоқда. Улар темир йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан бирга поездлар қатновини тезлаштириш имконини беряпти. Манзилига шошаётган поезд станция оралиғида ушланиб қолмаслиги учун масофалар ҳар 1200-1500 метрда блок участкаларга бўлинган. Ҳар бир блок участка маҳсус автомат сигналлар ва светофорлар билан жиҳозланган. Бу —машинистга локомотив ёки поездни бутун йўл давомида хотиржамлик билан бошқариш имконини беради ва йўлдаги ҳар қандай нуқсонлар ҳақида уни олдиндан огоҳ этади.

Илгари поезд бир станциядан чиқиб кетгач, келгуси станцияга етиб олгунича кетидан иккинчи поезд жўнай олмасди. Эндиликда орадан бир неча минутлар ўтиб, изидан иккинчиси, учинчиси ва ҳоказо поездлар ҳаракатига имконият туғилди. Уларнинг ҳар бири қатъий назорат остида бўлиб, тепловозлар радио алоқа аппаратлари билан таъминланган. Машинист йўлда поездни бошқара туриб, станция навбатчиси ва участка хизматчиси билан бемалол гаплаша олиши, улардан тегишли кўрсатмалар олиб, ўз навбатида поезднинг ҳолати ҳақида хабар бера олиши мумкин.

Автоматика, телемеханика, радио техника темир йўл транспорти қиёфасини кескин яхшилаб юборди. Турли касбдаги кишилар меҳнатини енгиллаштирди. Техника тараққиётининг бу формалари ишлаб чиқаришга ўз-ўзидан кириб келмади. Уларнинг ҳаммасини ижодкор совет кишилари ўз ақл-идроки, ўз қўл-кучлари билан яратдилар.

Ҳозирги вақтда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг 4-курс кечки бўлими талабаси, дистанцион станциянинг етакчи мутахассислардан бири — Эркин Юсуфжонов бу ерга ишга келганида эндигина 15 ёшга тўлган эди. У дастлаб Тошкент темир йўл техникумини тугатгач, рационализаторлик ва ихтирочилик ишига қизғин киришиб кетди. Қунт билан ўқиди. Бугунги кунда Тошкент темир йўл бўлинмасида янги техника, автомат қурилмалар ва телемеханиканинг кенг жорий этилишида унинг ҳиссаси бор.

Электр механик Н. Минаев ўз ҳамаксблари билан ҳамкорликда кўплаб станцияларда электр блоклар ва электр стрелкаларнинг марказлашган башқаруви учун ускуналарни монтаж қилишда намунали меҳнат қилиб келмоқда. Бу ишда уларга станциянинг Николай Мандругин, Н. Мараховский каби бир қатор тажрибали ишчилари кўмак беришди.

— Ҳали техника тараққиёти йўлида қиладиган ишларимиз кўп, — дейди дистанция бошлиғи А. Соловьёв. — 350 кишилик коллективимизнинг диққат-эътибори беш йилликнинг якунловчи йилида Тошкент—Хўжакент темир йўл линиясини тўла электрлаштириш ва радиолаштиришга қаратилган. Ангрен темир йўл шахобчасида электрлаштириш ишлари амалга оширилиши билан бирга автоматика ва телемеханика, электр блоклари ва электр стрелкаларнинг марказлашган бошқаруви кенг жорий этилади. Темир йўл транспортидаги энг қийин техника муаммоларини ҳал этишга, техника тараққиёти йўлидаги курашда актив қатнашишга бу йил айниқса кўпроқ эътибор берилади.

А. БУХОРБОЕВ.

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши тузилган эди. Кенгаш КПСС XXIV съездининг фан-техника тараққиёти асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмалари бўйича янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, оғир қўл меҳнатини механизациялаш, меҳнат унумдорлигини кўтариш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Кенгаш ўтган йили пахта териш техникасидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, республика халқ хўжалигида пиллачилик плёнкаларини тайёрлаш ва тадбиқ этиш, қурилишда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича республика координациялаш советининг фаолияти ва бошқа кўпгина муҳим масалаларни муҳокама қилди. Қатор конференция, кенгаш ва семинарлар ўтказилди.

Кенгашнинг бу йилги режалари ҳам катта. Кенгашнинг составви ва структурасига ўзгартишлар киритилди. Ҳозир «Шаҳар ва районлардаги меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий ривожланишини комплекс планлаштириш» мавзуидаги республика илмий-методик конференциясига тайёрлик кўрилмоқда.

Республикамиздаги қатор илғор корхоналар, жумладан, Тошкент агрегат заводи, Кўқон электр машинасозлик ва Самарқанд лифтсозлик заводларининг маҳсулотларни Давлат аттестациясига тайёрлаш бўйича илғор тажрибаларини тадбиқ этиш масаласи ҳам кенгаш диққат марказида бўлади. Республика машинасозлик ва электротехника саноатида Ленинграддаги «Светлана», «Электросила», «Позитрон», «Ломо» бирлашмалари ва Лихачев номли Москва автомобиль заводи тажрибаси асосида янги техникани ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш тадбирлари кўрилади. Кенгаш планида Озиқ-овқат саноати министрлиги илмий-техника кенгашининг иши, «Ўзбитхимпласт» бирлашмаси илмий бўлими фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги масалалар ҳам бор. Бу йил кенгаш томонидан қатор конференция ва семинарлар ўтказилади.

С. АЖИБЕКОВ,
катта инженер.

ЗАМОНАВИЙ, НОЁБ

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИДА БИР ЙЎЛА 10800 БОШ БУЗОҚ БОҚИЛАДИ ◆ БИР ЙИЛДА 4150 ТОННА ГЎШТ ЕТИШТИРИЛАДИ ◆ БИР КИЛОГРАММ ГЎШТ ЕТИШТИРИШ УЧУН 5,2 ОЗУҚА БИРЛИГИ САРФЛАНАДИ ◆ БИР ЦЕНТНЕР ГЎШТНИНГ ТАННАРХИ 109 СЎМ 67 ТИЙИНГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ.

Тошкентнинг биқинида, Оҳангарон райони территориясидаги кенг адирлар бағрида саноат асосидаги йирик чорвачилик комплекси қад кўтарди. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ишга туширилган ва ҳозирча ҳисобланган бу замонавий аграр-саноат корхонасида бир йўла қарийб ўн бир минг бош бузоқни боқиш ва бир йилда тўрт минг тоннадан зиёд гўшт етиштириш мумкин.

Чорвачилик комплексида бузоқларни боқиш ва белгиланган миқдорда гўшт етиштириш имконини берадиган ҳамма шароит мавжуд. Бузоқлар механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан жиҳозланган кенг, озода, ёруғ корпусларда боқилади. Ем-хашак ҳам махсус омборлар, саройларда сақланади ва бузоқларга едириш учун алоҳида бинода тайёрланади. Учинчи бўлимда комплексни узлуксиз ишлатишга хизмат қилувчи насос станциялари, қозонхона ва уни ёнилғи билан таъминловчи қурилма, устахонаси бўлган гараж ва бошқа объектлар бор.

Бу ерда ишлаб чиқаришнинг характери ҳам, ходимларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш шароити ҳам, уларга иш ҳақи тўлаш тартиби ҳам худди саноат корхоналаридагига ўхшайди. Бир ҳафтада беш кун ишлаб, икки кун дам олинади. Иш ҳақи вақтли ишбай усулида тўланади. Агар ходим унумли меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда яхши натижага эришса, унга асосий иш ҳақидан ташқари қўшимча ҳақ берилади. Операторлар, слесарлар, электриклар ва бошқа касб эгаларига маълумоти ва иш стажига қараб разрядлар белгиланади. Улар иш ҳақини ҳам шу разрядлар бўйича олишади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялаштирилганлиги ва автоматлаштирилганлиги туфайли ходимларнинг меҳнат унумдорлиги жуда юқори. Бир оператор 700 дан ортиқ бузоқни боқади. Бу, колхоз ва совхозларнинг фермаларида ҳар бир бузоқ боқарга тўғри келадиган бузоқларнинг сонидан қарийб йигирма баравар кўп. Умуман комплексда бузоқларни боқиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни ҳаммаси бўлиб 79 киши бажаради. Уларнинг ҳаммаси олий, ўрта ва махсус ўрта маълумотга эга. Чет эл фирмасининг лойиҳаси билан қурилган ва ускунаси билан жиҳозланган комплексдаги жуда мураккаб машина ҳамда механизацияларни улар бемалол ишлатаётганликларининг боиси ҳам шунда.

Бузоқларни боқиш технологияси қатъий равишда илмий асосга қурилган. Аввало комплексга колхоз ва совхозлардан қораола ҳамда бошқа гўштдор зотли молларнинг бузоғи келтирилади. Бузоқларни боқиш икки даврга бўлинади. 126 кундан иборат биринчи даврни ўстириш даври ва 266 кундан иборат иккинчи даврни интенсив равишда боқиб семиртириш даври дейилади. Биринчи даврда ёш бузоқлар яйраши ва яхши ўсиши учун уларнинг ҳар бирига 3,7 квадрат метр жой ажратилади. Бу даврда бузоқлар сунъий сут, махсус тайёрланган ва таркибида маълум миқдорда қанд моддаси, қуруқ сут, антибиотиклар ва ўстирувчи моддалар бўлган омухта ем, беда пичани ёки ҳўл беда билан боқилади. Бузоқлар катта бўлгач, кам ҳаракат қилиб, кўп семириши керак. Шу туфайли боқишнинг иккинчи даврида ҳар бир бузоққа 1,7 квадрат метр жой ажратилади. Бу даврда уларга кунига икки марта чегараланмаган миқдорда омухта ем, беда пичани ёки ҳўл беда тўйганича едирилади.

Бузоқларни комплексга келтириш, ўстириш, боқиб семиртириш ва гўштга топшириш конвейер усулида амалга оширилади. Бу ерга ҳар 13-14 кунда, 360 бош, бир ойда эса 720 бош тирик вазни 30-45 килограмм ўртасида бўлган 7-15 кунлик бузоқлар келтирилади. Улар ўстириш даврида ёш бузоқларга мослаб қурилган бешта корпусда, сўнгра иккинчи даврда боқиладиган ўнта корпусда боқилади. Комплексдан ҳар 13-14 кунда тирик вазни 430-450 килограмм ўртасида бўлган 352 бош, бир ойда эса 704 бош бузоқ гўшт комбинатига жўнатилаверади. Бу ерда боқиладиган бузоқларнинг бир кунда 1038 грамм семиришига эришилади.

Саноат асосидаги комплекснинг аҳамияти шундаки, у қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган чорвачиликни ихтисослаштириш ва марказлаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини оширишнинг намунаси бўлишдан ташқари, гўшт етиштиришда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, кам маблағ ва меҳнат сарфлаб, арзон ҳамда сифатли маҳсулот етиштириш имконини ҳам беради. Бу ерда бузоқларнинг тирик вазнини бир килограмм ошириш учун 5,2 озуқа бирлиги ва 3,2 киши-соати сарфланади. Бир центнер гўштнинг таннархи 109 сўм 67 тийинга тўғри келади. Чорвачилик комплексини қуриш учун сарфланган 11,9 миллион сўмнинг ўрни эса беш йилдан камроқ вақт ичида қопланади.

Комплекснинг озуқага бўлган талаби ҳам катта. Бир йилда бир неча минг тонна омухта ем, беда пичани, ҳўл беда ва сунъий сут сарфланади. Зарур миқдордаги сунъий сут ва омухта емни давлат етказиб беради. Оҳангарон ун комбинатида белгиланган таркибдаги ва зарур миқдордаги омухта ем тайёрланяпти. Лекин беда пичани ва ҳўл беда совхознинг ўзида етиштирилиши зарур. Буни ҳисобга олиб, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозига 4700 гектар лалми ер ажратиб берилган. Совхоз ерларини ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари қуриш лойиҳаларини Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Ўзгипроводхоз» лойиҳалаш институти тайёрламоқда.

Совхозда 2300 гектар ерга беда экилиши зарур. Шундагина комплекснинг беда пичани ва ҳўл бедага бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши мумкин. Буни таъминлаш учун эса беда экиладиган ерларнинг ҳаммаси чорвачилик комплекси тўла қувват билан ишлай бошлагунча ўзлаштирилиб ва ирригация иншоотлари қурилиб бўлиши лозим. Шундагина мўлжалдаги озуқани олиш имкони вужудга келади.

Лекин совхоз ерларини ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари қуриш билан шуғулланаётган «Ташкентводстрой»нинг иши талабга мутлақо жавоб бермаяпти. У 1974 йилда белгиланган минг гектар ўрнига атиги 410 гектар ерни ўзлаштирди. Бу ҳол чорвачилик комплексининг ишига тўқинлик қилади, албатта. «Ташкентводстрой» раҳбарлари совхозда беда экиладиган ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация иншоотлари қурилишини тезлаштиришлари зарур.

Комплекс ҳузурида шинамгина посёлка бунёд этилмоқда. Бу ерда совхозда ишловчиларнинг оилалари яшаши учун уй-жой бинолари, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш, медицина объектлари қурилмоқда. Ана шу мақсадлар учун 7 миллион сўм маблағ ажратилган. Қурувчилар бу соҳада ҳам анчагина иш қилдилар. Бир нечта икки квартирали уй-жой бинолари ва бошқа айрим объектларни битказиб, фойдаланишга топширдилар.

Бироқ, барибир, қурувчиларнинг ўзларига хос «касаллиги» бу ерда ҳам ўзини кўрсатмай қолмади. Чорвачилик комплексининг қурилиши тугалланди ва ишга туширилди. Унда бузоқлар боқила бошланди. Аммо, ҳозир бу ерда ишлаётган кишиларнинг оиласи учун етарли миқдорда уй-жой майдони, шу кеча-кундуздаги эҳтиёжни қондирадиган даражада маданий-маиший ҳамда бошқа зарур объектлар қуриб битказилгани йўқ. Бунинг учун ажратилган капитал маблағнинг бир қисми ўзлаштирилмай қолмоқда. Республика Қишлоқ қурилиши министрлиги ва Тошкент область қишлоқ қурилиши трестининг раҳбарлари бу иллатга қанча тезроқ барҳам берсалар, шунча яхшироқ бўларди. Негаки, чорвачилик комплексида халқимизга мўл ва арзон гўшт етказиб бериш орзуси билан меҳнат қилаётган чорвадорлар улардан шуни кутишмоқда.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Биз — интернационалистларимиз

ОЛОВ ОРТИДА

Ҳали йиғилиш давом этарди. Октябрь бўронларида алвон байроқ кўтарган, Улуғ Ватан уруши жангчиларида қатнашган ва 70-йиллар-зарбдорлари Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги олдидан СССР халқлари интернационал дўстлигининг тантанасига бағишланган бу кечада тўлқинланиб сўзлашарди. Бир чеккада қотмадан келган, пешонасини туманли йилларнинг излари қоплаган, юзларида йиллар тўзонининг гарди қолган ўрта бўйли, ёши элликлардан ошган босиқ киши ўтирарди. Сўзга чиққанлар гапларининг мағзини чақиб, ўтирган эди, кутилмаганда сўз бериб қолишда унга.

Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган 2-цехнинг катта мастери Иван Лесних минбарга чиқди-да, нималар тўғрисида сўзлай, дегандек партком секретарига қаради. Партком секретари Иван Моисеев:

— Ўртоқ Иван Ильич, — сиз дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз? Шу хусусда ўз иш фаолиятингиздан эпизодлар келтирсангиз? — деди.

— Дўстлик!.. Иван Ильич бироз тин олгач, сўзида давом этди. — Унинг мазмуни ниҳоятда кенг. Ватанни юракка ўхшатаман. 15 бирадар, қон-қардош оила эса, шу юракнинг қон-томирлари. Унинг куч-қудрати ва меҳри қуёшдан кучли. Буни мен ўз корхонам мисолида кўрдим. Бу хусусда эпизодлар кўп. Қайси бирини сўзласам экан?

Иван Лесних бир пас жимиб қолди. Унинг хаёли аянчли уруш йилларига кўчди.

Турли шаҳарлардан эвакуация қилинган саноат корхоналари, асбоб-ускуналар ортган эшелонлар биринкетин Тошкентга келиб тўхтарди. Ростов-Дондан келтирилган «Красний Аксай» ва Ленинграддан кўчирилган «Вулкан» заводлари Тошкентдаги кондитер фабрикаси ҳовлисига келтирилди. Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети қошида қурол-яроғ ва ўқ-дори саноати билан шуғулланувчи бўлимлар тузилганди. Пойтахтдаги кондитер фабрикаси ўрнида Фрунзе номли завод қурилишига дадил киришилди.

Фашистлар тиш-тирноғи билан қуролланиб, Москвага томон ёпириларди. Фронтга ўқ-дори, қурол-аслаҳа, сув билан ҳаводек зарур. Қандай қилиб бўлса ҳам завод ускуналарини тез ўрнатиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шарт. Бу иш Ростов-Дондан келган «Красний Аксай» заводининг директори Иван Семёнович Гланцов зиммасига юклатилди. Завод билан бирга кўплаб ишчилар ҳам оиласи билан кўчиб келганди. Улар орасида Иван Лесних ҳам бор эди. Иван Лесних шлифовкачи эди. Бу ерда завод оёққа тургунга қадар Иван қурувчи-монтажчи бўлиб ишлади. Кейин цехда станокларни бошқарди. Завод директори Иван Гланцовга ҳам, Лесниха ҳам осон эмасди. Директор бир дақиқа ҳам тиним билмас, кеча-кундуз мижжа қоқмасди ҳам. У эгнига пахталик, оёғига кирза этик кийиб гоҳ цехга, гоҳ участкаларга борар, қурилиш-монтаж ишлари билан танишар, гоҳ завод билан вокзал ўртасида барпо қилинаётган темир йўлда ишнинг бориши билан қизиқарди, одамларга муҳим топшириқлар берарди.

Цехлар ва участкалар очиқ жойда қуриларди. Ҳаво совуқ, гоҳ ёмғир томчилар, гоҳ қор ёғарди. Қуюв цехи корхонанинг юраги. Нега деганда, мина ва бомбаларнинг корпуси чўяндан қуйилар, бу цех ишга тушмагунча заводни оёққа турғазиб бўлмасди. Ниҳоят, қийинчиликлар чекинди, мақсадга эришилди: 22 кунда қуюв цехи ишга тушди, 30 кунда эса темирчилик-пресслаш цехи ва кейинчалик ёрдамчи цехлар фойдаланишга топширилди. 1941 йилнинг 3 ноябрь куни заводдан ҳарбий маҳсулот ортган биринчи эшелон ғарбий фронтга йўл олди.

Унинг хотини эрини жангга кузатаркан, «Соғ бориб, омон қайт, зафар билан кел, кўнглинг тўқ бўлсин, сенинг учун ҳам мен ишлайман, станогингни ўзим бошқараман», — деди у билан ҳайрлаша туриб.

Лесних шулар тўғрисида тўлқинланиб сўзларди. — Дўстим Сирожиддин Нуриддинов ҳам олов ортида актив жангчилардан бўлган эди. Мен Сирожиддин билан 35 йилдан бери дўстман. Энг оғир кунларда у мени, мен унинг кунига ярагамман. Уйидан менга жой берган, битта нонни ўртада оилам билан бирга баҳам кўрганман. Қолган гапларни сен гапира қол, — Иван Лесних шундай деб дўстига ишора қилди.

Сирожиддин минбарга чиқди. — Ўртоқлар, — деди у ўтирганларга мурожаат қилгандай бўлиб, — фронт орқасидаги ишни 1941 — 1945 йил жангчиларидан кам деб бўлмасди. Унутиб бўлармиди, у йилларни.

Нон, кийим-кечак танқис, тириқчилик оғир. Ҳамма нарса фронт учун, Ватан ҳимояси учун сафарбар қилинганди. Ҳар бир ишчи ўзи ва фронтга кетган акаси, дадаси ҳамда дўстлари учун меҳнат қилиши шарт. Сирожиддин дастлаб украиналик дўсти Иван Ильичга шогирд тушганди. Қўли ишга келиб қолганда устози урушга кетди. Бироқ Сирожиддин дўстининг йўқлигини билдирмасди. Энг оғир участкада 8 соат ўзи учун ишласа, 8 соат дўсти учун меҳнат қиларди. Токарлик қийин иш. Лекин 16 ёшли қизлар бу касбни ўрганиб олишганди. Фотима Шокирова ҳам шу касбни танлаганди. Зуҳра Файзиева ва Зумрад Абдураззоқовалар устозлик қилишарди унга. Фотима ҳар сменада нормадаги 340 деталь ўрнига 500—700 тадан деталь тайёрлаб, жангга кетган отаси ва акаси ҳисобига ҳам маҳсулот берарди. Сирожиддин цех мастери сифатида уларнинг ишларидан кўз-қулоқ бўлиб юрар, ёрдамини аямасди.

Ватанпарвар ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар фронтга қўшимча снаряд, танк ва бошқа ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш учун маблағ тўплаш ташаббусини бошлашган эди. Бу ишни дастлаб Сирожиддин билан Миржалоллар бошлаб беришганди. Кейинчалик бутун корхонага кенг ёйилди. Улар тез орада она-Ватан озодлиги ва бахт-саодати учун 1,5 миллион сўм маблағ йиғиб, «Тошкент» танки қурилишига ҳадя қилишди. Бу ҳақда ўртоқ Сталинга ёзилган мактубга имзо чекувчилар сафида Сирожиддин Нуриддинов ва Миржалол Миролимовлар ҳам бор эди.

Завод цехларида «фронтчи бригада», «гвардиячи бригада» номларини олиш учун социалистик мусобақа авж олган эди. Слесарь-йиғувчи Сергей Перетокин, Мирҳамад Мирсалимов, Шариф Қосимов, Татьяна Шейкин сингари бригадалар шу номга сазовор бўлган эдилар.

Уруш тугади. Берлинга совет халқининг ғалаба байроғи ўрнатилди. Бу ғалабада фронт орқасида кунни-тунга, тунни-тонгга улаб қурол-аслаҳа ишлаб чиқарган Фрунзе номли (ҳозирги «Ўзбексельмаш») заводининг фидокор ишчиларининг ҳам катта муносиб ҳиссаси бор эди. Заводдан урушга кетган қанча-қанча йигит-қизлар ғалаба баҳорини Берлинда қарши олишди. Л. Финкельштейн, Татьяна Земцова, Қурбонбой Тўлабоев, Иван Самсонов, Михаил Архангельскийлар кўкракларини орден ва медалларга тўлдириб, яна завод қучоғига қайтишди. Сирожиддин Нуриддинов ана шулар ҳақида ҳикоя қиларди. Зал сув сепгандек жимиб қолганди. Унинг эпизодлари урушни кўрмаган ёш замондошлар қалбига тўлқин солмасдан қўймасди. Йиғилиш тугади.

Сирожиддин ака уйига қайтаркан, корхонанинг ҳозирги фаолиятига хаёлан назар ташлайди. Завод йил сайин ўсишда. «Ўзбексельмаш» мамлакатнинг пахтакор республикаларига сеялка, тўкилган пахтани терадиган, кўсак чувийдиган ва пуркагич машиналар ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтиряпти. Бу йил пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Заводнинг коммунист ва комсомоллари буюк ғалабанинг 30 йиллигига қаҳрамон шаҳарлар шарафига зарбдор ўн кунликлар ўтказишяпти. Шу кунларда улар «Зарбдор меҳнатимиз қаҳрамон Ленинград учун» шиори остида ишлашаётир.

Заводнинг биринчи директори Иван Семенович Гланцов 70 ёшга тўлди. Ҳозирги вақтда у Ростов-Донда қад кўтарган «Россельмаш» заводининг ветерани «Ўзбекельмаш»чилар куни кеча Гланцовга табрик телеграммаси йўлладилар. Унинг биринчи шогирдлари заводни бошқаришаётир. Ҳа, корхона оловли йилларда қад кўтарган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда.

Ашурали АҲМЕДОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИОРДАНИЯДА

АММОН, 10 март. (ТАСС). СССР Олий Совети делегациясининг Иорданияга визити давом этмоқда.

Делегацияга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов бошчилик қилмоқда.

Иордания парламенти сенатининг раиси Б. Атталхуний совет делегациясининг Аммонга қилган визити Иордания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада яхшилаш ва муносабатларни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деди.

Иордания халқи, деб таъкидлади у, Исроил қўшинларини улар оккупация қилиб турган барча араб территорияларидан тамомила чиқариб юбориш ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш йўлидаги курашда араб халқларининг адолатли ишини Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаётганлигига юксак баҳо беради.

Совет парламенти аъзолари Иордания пойтахтидаги саноат корхоналарини бориб кўрдилар, Иордания — Совет дўстлиги жамияти активлари билан учрашдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **УЛАН-БАТОР.** Монголия чорвадорлари бешинчи беш йилликнинг якунловчи йилида камида 9 миллион бош бузоқни парвариш қилиб ўстириб, мамлакатдаги қора мол туёғини 25 миллион бошга етказамиз, деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

◆ **ХЕЛЬСИНКИ.** Финляндия бош министри К. Сорса Финляндия социал-демократик партияси кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида бундай деди: Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ҳозирги пайтда қитъамиздаги ижобий тенденцияларни ривожлантириш учун асосий мезондир.

◆ **РИМ.** Капрезе коммунасининг аҳолиси (Ареццо вилояти) шонли санани байрам қилди. Буюк ҳайкалтарош ва рассом, архитектор ва шоир Микеланжело Буонаротти 500 йил муқаддам бу ерда туғилган эди.

◆ **ДОРУССАЛОМ.** Родезия ирқчилар режими мамлакатдаги озодлик кучларининг қаршилигини бостира олмайди. Африка Бирлиги Ташкилоти ва озодлик комитетининг бу ерда тарқатилган баёнотида шу ҳақда гапирилади.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ғарбий Бенгалия штати «Ёшлар конгресси» ташкилотининг аъзолари Ғарбий Бенгалия штатидаги хусусий жут фабрикалари ва чой плантациялари устидан дарҳол давлат контроли ўрнатишни талаб қилдилар.

(ТАСС).



АМСТЕРДАМ. Голландия деҳқонлар ташкилотларининг вакиллари «Умумий бозор»нинг қишлоқ хўжалик сиёсатига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Бу сиёсат туфайли минглаб майда ва ўрта фермер хўжаликлари хонавайрон бўлмоқда. Суратда: намойишчилар Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар фермерлар ташкилотлари федерацияси раҳбарлигининг мажлиси ўтаётган бино олдида.

АНП—ТАСС фотоси.

ХИТОЙДА ЯНГИ СИЁСИЙ КАМПАНИЯ

Хитойда одатдагидек «Назарий» нақоблар билан бурканган янги сиёсий кампания авж олиб бормоқда. «Пролетариат диктатураси назарияси»ни ўрганиш тўғрисида Мао Цзэ-дуннинг яқинда «Жиньминь жибао» газетасида келтирилган сўзларига мувофиқ (бу сўзларни ҳозир доимо «муҳим йўл-йўриқ» деган шиор остида такрорламоқдалар) бу кампанияда ёшу-қари—ҳамма иштирок этиши керак. Пекинда чиқадиган газеталар ва радио шу кампанияда қатнашишдан бош тортишга Мао режимига холисона қарамаслик белгиси деб баҳо берилади, деб огоҳлантирмоқда.

Марказий матбуотда мана шу янги ҳаракатни қандай давом эттиришни тушунтириб берган сон-саноқсиз бош мақолалар ва авторларнинг материаллари босилиб чиқди. «Хунци» журналининг март ойи сонида ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Яо Вэнь-юаннинг шу кампаниянинг «мафкуравий асослари» тўғрисидаги катта мақоласи босилиб чиқди. 1965 йил ноябрь ойида шу Яонинг мақоласи билан Хитой ижодий зиёлиларини ёппасига қувғин қилиш бошланган ва у машъум «маданий революция»ни кучайтириб юбориш тўғрисидаги биринчи сигнал бўлиб хизмат қилган эди.

Эълон қилинган материалларда Лениннинг «Социализмни узил-кесил барпо этиш ва мустаҳкамлаш мақсадлари» учун пролетариат диктатураси кераклиги, у «эксплуататорлар устидан зўравонликгина эмас ва ҳатто зўравонлик энг асосий мақсад эмаслиги» тўғрисидаги таълимоти назар-писанд қилинмайди. Социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, жаҳон социалистик системасининг позициясини мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказиш каби энг муҳим вазифалар тўғрисида шу мақолаларда бирон-бир сўз айтилган эмас. Маочилар пролетариат диктатурасининг моҳиятини фақатгина зўравонликдан иборат деб ҳисобламоқдалар.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сўнгги сессиясида Хитойни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатга айлантириш зарурлиги тўғрисида гапирилган эди. Мана энди маочилар кураш тиғини меҳнатга қараб тақсимлаш ва моддий манфаатдорлик принципларига қарши қаратган ҳолда экономикадан ташқари зўравонлик методларини ишлатиб, Хитой меҳнаткашларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги ҳар қандай орзу-умидлардан воз кечган ҳолда ўзларининг бутун кучларини ҳарбий-иқтисодий потенциални кўпайтиришга сафарбар этишга мажбур этмоқчи бўладилар.

Янги кампания маочиларнинг кишилар онгига «Мао Цзэ-дун ғоялари»ни қандай бўлса ҳам сингдиришга яна уриниб кўришларидан бошқа нарса эмас. Шу билан бирга бу кампания мамлакатда вужудга келган аҳволдан норози бўлган кишилар ўртасида кенг кўламда сиёсий тозалаш учун ўзича бир хил ниқоб бўлиб хизмат қилиши кераклиги равшан кўриниб турибди.

Чжоу-Энь-лай ХКПнинг X съездида қилган ҳисобот докладида 1973 йил август ойида бундай деган эди: «Линь Бяонинг партияга қарши гуруҳи бор йўғи бир тўда кишилардан иборат эди. Бу гуруҳ бутун партиядан, бутун армиядан ва бутун мамлакат халқидан ғоят ажралган эди ва умуман мамлакатдаги аҳволга таъсир кўрсата олмас эди». X съезддан кейин бир ярим йил ўтгач «Хунци» журнали 1975 йил февраль сонида «Пролетариат диктатураси назариясини тиришқоқлик билан ўрганиш керак» сарлавҳали мақоласида «Линь Бяонинг партияга қарши гуруҳи бутун бир синфдан иборат бўлди, уни ташкил этиш учун синфий илдизлар ва социал асослар бор эди», деб тамомила тескари даъвони илгари сурди.

Яо Вэнь-юаннинг мақоласидан ва Хитой матбуотида босилган бошқа материаллардан маълум бўлишича, Мао Цзэ-дун группасини аввало халқнинг «маданий революция»дан ва унинг оқибатларидан, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий беқарорликдан, милитарлаштириш сиёсатидан норози эканлиги ташвишга солиб турибди.

Шу муносабат билан «етти ёки саккиз йил ўтгандан кейин ҳам ҳалигача «маданий революция»ни тушуниб ололмаган кишиларни қидириб топиш, вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Мао Цзэ-дуннинг шу кампанияни бошлаш хусусидаги «йўл-йўриқлари»да айтиб ўтилганидек, бу кишиларни «ишчилар синфининг бир қисми орасидан, партия аъзоларининг бир қисми орасидан, пролетариат ва муассаса ходимлари орасидан» излаш керак.

Норози кишиларни «қидириб топиш» ҳозирдаёқ бошланди, бу эса соф виждонли коммунистларни ва меҳнаткашларни калтаклашнинг яна бир тўлқини бошланганлигини билдиради. Матбуот бунинг учун «социал текширишлар ўтказувчи махсус группалар ва отрядлар тузилади, деб хабар беради. Махсус группалар ва отрядларнинг нимадан иборат эканлигини эса «маданий революция» тажрибалари кўрсатиб берган эди.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳчиси.

АСВОНДА УЧРАШУВ

ҚОҲИРА, 10 март. (ТАСС). Бу ерга келган АҚШ Давлат секретари Г. Киссинжер Миср Араб Республикаси президенти А. Садат билан Асвонда 5 соат давомида суҳбатлашганлиги эълон қилинди. А. Садат шу учрашувдан кейин матбуот конференциясида сўзга чиқиб, музокараларнинг натижалари тўғрисида ва битим тузилишига эришиш истиқболлари ҳақида «Киссинжер Исроилга бориб келгандан кейин айтилса яхши бўлади», деди. Г. Киссинжер музокараларда Яқин Шарқдаги аҳволга доир «барча масалалар» муҳокама қилинди, деб айтди.

Қоҳирадаги МЕН агентлиги Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри И. Фаҳмийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: Мисрнинг сиёсий йўли арабларнинг талабларини амалга оширишга, аввало, Фаластиндаги араб халқининг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда низони тинч йўл билан мустаҳкам ҳал этишга эришишга қаратилгандир.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

МУЗЕЙ ЎҒРИЛАРИ

Италияда чиқадиган маҳаллий газеталар шу йил 17 февраль кунини мамлакат музейларининг «қора куни», деб атамоқдалар. Чунки, худди шу куни кечаси Милан шаҳридаги ҳозирги замон санъати галереяси коллекциясидан ўтган асрлардаги итальян ва француз рассомлари мўйқаламига мансуб 28 та картина ўғирлаб кетилди. Ўғирлаб кетилган машҳур картиналар ичида Сислей, Гоген, Ренуар, Сезанн, Матисс каби машҳур рассомларнинг асарлари ҳам бор.

Шуниси қизиқки, жиноят содир бўлган куннинг эртасигаёқ телевизион эшиттиришларда Италия маданий меросларини сақлаш юзасидан қатор кўрсатувлар берилди. Бу эшиттиришлар гўё ана шу соҳада қилинаётган ишларга киноя қилгандек бўлиб туюлди. Аслини олганда мамлакатда санъатшуносларнинг, маданий меросларни асровчилар, ҳатто музей қоровуллари етишмаётир. Шу телевизион эшиттиришларнинг иштирокчиларидан бири шундай куйиниб гапирдики, унинг сўзларига қараганда бутун Италия бўйича ана шу соҳада ишлаётган хизматчиларнинг сони Ленинград Эрмитажида банд бўлган ходимларнинг сонидан ортмайди.

Бундан шундай фикрга келиш мумкинки, мамлакатдаги маданий ёдгорликлар ўз холига ташлаб қўйилган. Италиядаги музей мулкларини ўғирлашдан каттагина фойда олинаётир, шу билан бир қаторда жиноятчи бизнесчиларнинг турли-туман йўллар билан бойиш учун ўринишлари борган сари хавфли қиёфага кирмоқда. Юқорида келтирилганлардан яна шундай хулоса чиқадики, демак, мамлакатда «музей ўғрилари»нинг жуда яхши уюшган каттагина ташкилоти бор. Бу ташкилот ҳар томонлама эпчил ва ишбилармон кишилар билан таъминланган бўлиб, улар ўртасида бажариладиган «иш» ҳам, чиққан «фойда» ҳам ўзаро бўлиб олинади. Шу нарсани ҳам айтиш керакки, бу ерда яширин халқаро биржа ҳам мавжуддир. Буларнинг ходимлари турли мамлакатларни кезиб, санъат асарларини баҳолаш ва сотиш билан доимо шуғулланадилар. Улар ҳатто музейдаги ҳали ўғирланмаган асарларни ҳам қай баҳода сотажаклари тўғрисида бемалол шартнома тузаверадилар.

Бугунги кунда санъат асарларини савдо-сотиқ қилишдек жиноий ишга ҳайриҳоҳлик сезилмоқда. Италия матбуотининг кўрсатишича, санъат асарларининг ўғирланиши ҳам, бошқа «фойда берувчи» жиноий ишлар ҳам янги фашист бандаларини пул, маблағ билан таъминлаб туришнинг манбаларидан бирига айланган.

В. ТРУНОВ,
(АПН).

КЎЧАТ ЭКИНГ—БОҒ ҚИЛИНГ!

Тошкент область Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз соҳибкорлари боғларда баҳорги ишларни қизитиб юбордилар. Улар мевали дарахтларнинг шохларини буташни ўз вақтида ўтказишга ҳаракат қилаётирлар. Шу билан бирга кўчат ўтқазиш ойлигига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу йил ўн минг тупдан ортиқ тут, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазиш планлаштирилган. Суратларда: (чапдан). 1. Иккинчи бригада аъзоларидан Нажим Мухсимов ва Рустам Маҳкамов. 2. Тажрибали соҳибкор Башархон Афандихоновлар иш устида.

А. Тўраев фотолари.

МАРДИ МАЙДОН ЙИГИТЛАР

XXX

ҚАҲРАМОНЛАР — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИ МЕҲМОНИ

Ватанимиз бошига оғир кунлар тушган ўша йилларда бепоён мамлакатимизнинг барча халқлари сингари Наманган область меҳнаткашлари ҳам ғалабага ўзларининг салмоқли улушларини қўшдилар. Областдан 79 минг киши қўлга қурол олиб Ватан озодлиги ва мустақиллиги, Улуғ Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш учун мардона жанг қилди. Уруш қурбонсиз бўлмайди. Улардан 23830 киши она юртларига қайтмади.

Ватан наманганликларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлигини муносиб баҳолади. Олти кишига — Файзулла Йўлдошев, Мамашариф Фаёзов, Абдусаттор Раҳимов, Соли Адашев, Набижон Мингбоев, Борис Андреевич Ивановскийларга мамлакатимизнинг олий мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ғанижон Валиев, Холмат Жалолов, Саидназаб Абдураҳмонов Шуҳрат орденларининг тўла кавалерлари бўлдилар. Юзлаб наманганлик жангчилар Ватанимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Яқинда «Совет Ўзбекистони» ва «Наманган ҳақиқати» газеталари редакциялари томонидан қаҳрамонлар учрашуви уюштирилди. Унда областдаги Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шуҳрат орденларининг тўла кавалерлари иштирок этдилар. Биринчи сўз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Файзулла ака Йўлдошевга берилди.

— Аввало бизни эслаб турганларингиз учун катта раҳмат, — деди Файзулла ака уруш хотираларини эсларкан.— Сталинграддаги қиддатли жангда бели букилган душман Курск шаҳрида аламини олмоқчи бўлди. Ўшанда Сумида эдим. Кейин жанг билан Черниговга, Днепр дарёси қирғоқларига яқинлашиб қолдик. Фашистлар дарёнинг ўнг соҳилида мустаҳкам мудофаа истеҳкоми бунёд этган эдилар. Ҳатто, окопларни ҳам пишган ғиштдан қуришганди. Қўмондонликдан қисмимизга дарёнинг ўнг соҳилига ўтиб истеҳкомни тайёрлаш ва уни кенгайтириш ҳақида буйруқ берилди. Мен командирлик қилган бўлинма йигитлари биринчи бўлиб ўтишга тайёргарлик кўра бошлашди. Қирғоқдан мажақланган қайиқ топиб келдик. Уни сузадиган ҳолга келтирдик. Қоронги тушиши билан дарёга тушдик. Қирғоқда окоп қазиб, ўрнашиб олдик. Энди истеҳкомни кенгайтириш, эртасига ортимиздан дарёдан сузиб ўтадиган қўшинларимиз учун шароит яратиш вазифаси турар эди. Лекин тонг ёришганда душман сезиб қолди. Устимизга дўлдек ўқ ёғдирди. Сўнгра ҳужумга ўтди. Лекин биз душманга қараганда анча қулай позицияни эгаллаган эдик. Бундан фойдаланган бўлинмамиз жангчилари уларни тутдек тўка бошладилар. Душман ҳужуми нонушта пайтигача беш марта такрорланди.

Аҳволим қанчалик оғир бўлмасин ўзимни қўлга олдим. Бор кучимни йиғиб пулемётдан тинимсиз ўқ ёғдирдим, Душман қанчалик уринмасин, бизни ўрнимиздан ўзғата олмади. Шу куни жанг тугагандан кейин санаб кўришса, мен бошлиқ бўлган бўлинма жангчилари юздан ортиқ фашистни ер тишлатишибди.

Фурсатдан фойдаланган қисмларимиз дарёдан ўта бошлашди. Плацдарм кенгайиб борди. Фашистларнинг мустаҳкам мудофаасига дарз кетди. Шиддатли жанглар билан Киевга кирдик. Қўшинларимизнинг Днепр дарёсидан ўтишида шароит яратиб беришдаги жанговар хизматларимиз эвазига 1943 йил 23 октябрда мен командирлик қилган бўлинма жангчилари орден ва медаллар билан тақдирландилар. Менга эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ўшандан кейин мен хизмат қилган Суворов ва Кутузов орденли 180-дивизия Киев номи билан атала бошланди.

— Менинг қаҳрамон унвонини олишим тафсилоти ҳам Файзулла аканикига ўхшаб кетади, — дея ҳикоясини бошлади. Мамашариф Фаёзов. — 1945 йилнинг бошларида Одер дарёсига яқинлашиб қолдик. Ўшанда 175-ўқчи гвардиячи дивизиянинг 1-рота командири эдим. 23 январь куни кечқурун дивизия командири генерал Русаков чақириб буйруқ берди.

— Бугун кечаси дарёдан ўтиб, қишлоқни эгаллайсизлар!

Ўша заҳоти дарёга келдик. Қарасак, дарё тез оқар ва сершув. Шунда Днепр, Висла, дарёларидан ўтгандаги тажрибалар ёдга тушди. Тахта, эшиклар топиб бирлаштирдик. 86 киши ярим кечада сувга тушдик. Қирғоққа етай деганда фрицлар сезиб қолишди, устимизга ракета отиб, барча қурол туридан ўқ ёғдира бошладилар. Қуролларимизни бошимиз узра баланд кўтарганимизча олдинга сузиб кетдик. Тўлқинлар узра кетарканмиз, ҳаммамиз бир овоздан «ура!!!» дея қичқирардик. Фашистлар бизни кўр деб ўйлаб саросимага тушиб қолишди ва эгаллаб турган позицияларини ташлаб тумтарақай қоча бошладилар. Қишлоқни эгалладик. Артиллериямизнинг тунги отишмаси самараси шундоқ кўзга ташланиб турарди. Ҳамма ёқ вайрон бўлган, хандақлар мурдага тўла эди. Бу ерда немисларнинг штаби жойлашганлигини сезиб қолдик. Тадбиркорлик билан иш кўриб бир қанча юқори мартабали штаб офицерларини ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни қўлга туширдик. Операциянинг муваффақиятли амалга оширишни ташкил этишдаги хизматларимиз учун менга ва яна икки қуролдош дўстимга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

— Уруш бошланганда Тула шаҳрида хизмат қилаётгандим, танкка қарши отадиган тўпда наводчик эдим, — деди сўз навбати етганда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Раҳимов. — Орадан сал вақт ўтмасданоқ жангу-жадал оловига қўшилиб кетдик. Курск, Сумни, Киев шаҳарларида Днепр дарёси соҳилларида душман билан юзма-юз тўқнашдик. Айниқса, Киевни озод қилиш учун қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келди. Ўшанда биз артиллериячилар зиммасида душманнинг олдинги линиясини яксон этиш, вазифаси турар эди. Биз жанговар топшириқни муваффақиятли бажардик. Немисларнинг бир неча танк ва замбараклари мажақланди. Украина ССР пойтахтини озод этишдаги хизматларим юқори баҳоланиб, 1943 йилнинг 6 ноябрида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим.

— Улуғ Ватан урушида разведкачиларнинг хизматлари беқиёс бўлганди, — деди Шуҳрат орденларининг тўла кавалери Ғанижон ака Валиев — 1944 йилнинг декабрь ойи. Шарқий Пруссиядаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қўмондонликдан «тил» тутиб келиш тўғрисида кўрсатма берилди. Мен бошлиқ кичик бир группа душманнинг орқа томонига қараб йўл олдик. Сал юргач, ўрмон ортидаги болахонали уй ичкаринсида қирққа яқин немис солдат ва офицерларининг кайф-сафо қилаётганини кўриб қолдик. Маълум бўлишича, улар қандайдир диний байрамни нишонлашаётган эканлар. Эшикдаги соқчини овоз чиқармай тинчитдик. Сўнг уй деразасидан ичкарига граната ирғитдик ва бостириб кириб хонани эгалладик. Бир йўла ўнга яқин гитлерчи офицерни асир олиб борганимизда дивизия командири ҳаммамизга ташаккурнома эълон қилди ва орден-медалларга тақдим этди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Соли Адашев, Шуҳрат орденларининг тўла кавалери Холмат Жалоловларнинг жанговар хотиралари ҳам ғоят қизиқарли бўлди. Урушгача Наманган шаҳридаги 314-пахта заводида ишлаган, она-Ватан учун бўлган жангларда тенгсиз ботирлик кўрсатган, аммо бугунги бахтиёр кунларимизга ета олмаган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. А. Ивановскийнинг жасорати ҳам учрашув қатнашувчилари томонидан қайта-қайта тилга олинди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. НАСРИДДИНОВ,
«Наманган ҳақиқати» область газетаси бўлими мудири.

Суратда: (чапдан ўнгга) Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамашариф Фаёзов, Шуҳрат орденларининг тўла кавалерлари Ғанижон Валиев, Холмат Жалолов, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Солижон Адашев, Файзулла Йўлдошев, Абдусаттор Раҳимов ўртоқлар.

Ш. Осмонов фотоси.

«ҚУМ ДЕНГИЗИ КЕМАЛАРИ»

Республикамиз халқ хўжалигида муҳим бир соҳа мавжуд. Бу — туячиликдир. Чорвачиликда унинг тутган ўрни ва аҳамияти катта. Ундан гўшт ва юнг олинади. Маълумки, туя узоқ масофага боришда ва қумликлардан ўтишда қадимдан отабололаримизнинг қулай «транспорти» бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Айниқса, чўл ва қум барханларида қоракўлчилик билан шуғулланувчи чораадорлар учун туя «қум денгизлари кемаси» вазифасини бажаради.

Республика майдонларининг 80 процента қумлик, чўл ва ярим чўллардан иборат. Шундай майдонларда туячилик чўпонларга жуда қўл келади. Қизилқум чўлларида минг-минглаб қўй-қўзилар боқилади. Ана шу жойларда яшаётган чўпон-чўлиқлар, транспорт боролмайдиган жойларга фақат туя билан қатнайдилар.

Туячилик кони фойда. Унинг сути жуда мойли бўлиб, ундан қаймоқ, ёғ, сир тайёрланади. Чўл шароитида чалоб чанқоқликни қондириш билан бирга, парҳез таом ҳам ҳисобланади. 18 ойда ҳар бир урғочи туя составида 4 процент мойи бўлган 3-4 минг литр сут бериши мумкин. Сут — халқ хўжалигида ҳам овқат, ҳам доривордир.

Туя ёз ва куз ойларида яхши семиради, ҳар бири 120 килограммгача ёғ ва кўплаб гўшт бериши турган гап. Унинг юнги тўқимачилик комбинати учун қимматли хом ашё, терисидан чарм маҳсулотлари тайёрланади. Ҳар бир туя бир йилда 8-10 килограммдан жун беради. Республикамизда туячиликни ривожлантириш ҳисобига бир йилда 2 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилиш мумкин бўлади. Туячилик интенсивлаштирилса, ундан келадиган даромад бундан ҳам кўпаяди, албатта. Қизилқум чўллари ва саҳроларида туячиликни янада ривожлантириш мумкин. Устюрт даштлари айниқса шуни тақозо этади. Бу ер туячилик ва қоракўлчилик учун жуда қулайдир.

Лекин бу муҳим соҳага етарли эътибор берилмаяпти. Уни ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш учун ғамхўрлик қилинмаётир. Шунинг учун республикамизда туялар сони кўпайтирилиши ўрнига йил сайин камайиб бормоқда. Фактларга мурожаат қиламиз. Агар 1960 йили Ўзбекистонда 33 минг бош туя бўлган бўлса, 1974 йилга келиб уларнинг 45 процента қолди, холос. Ўзбекистондаги ҳамда Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтлари деярли туячилик билан шуғулланмаяпти, бу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётир.

1962 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистонда туячиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилган эди.

Бу қарорни амалга ошириш, туячиликни ҳам фойда берадиган сердаромад соҳага айлантириш, бунинг учун бир қатор колхоз-совхозларда туячилик фермалари ташкил қилиш, зотчиликни яхшилаш зарур. Туячилик районларида қўлга киритилган ютуқларни оммалаштириш, илғор туяқоқарларни рағбатлантириб боришни ҳаёт тақозо қилмоқда. Шундай қилинганда гўшт, сут маҳсулотлари мўл-кўллиги таъминланади, жун янада кўпайтирилади. Туячиликни узлуксиз ривожлантириш — давр талабидир.

А. МЕЛЕШКО,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ

ХОРАЗМ

Кемалар қатнай бошлади

Ўзбекистоннинг қўш кокилидан бири — Амударёда кема қатнови бошланди.

Ўрта Осиё пароходчилиги бошқармасининг Чалиш техника участкаси коллективи кемалар қатнови бехатар бўлиши учун дарёни чуқурлаштириш ишларини кенг кўламда амалга оширди. Дастлабки кемалар Шарловуқ пристанидан Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл, Беруний ва Амударё районларига халқ хўжалик юкларини етказиб бериш учун йўлга чиқди. Урганч — Беруний, Шарловуқ — Тўрткўл маршрутлари бўйлаб Амударёда йўловчилар ташилмоқда.

Экскаваторчи беш оға-ини

Ҳазорасп районининг Янгибозор қишлоғида истиқомат қилувчи кекса бинокор Матқарим отанинг беш фарзанди Директива объекти — Туямўйин гидроузелида меҳнат қилмоқда.

Отанинг ўзи «Октябрь» колхозида қурувчи бўлиб, кўплаб иморатлар бунёд этган. Унинг ёнида меҳнат қилган беш фарзанди эндиликда зарбдор иншоот қурилишида. Султон, Кўзи ва Дўстжон Матқаримовлар гидроузел қурилиши бошқармасининг механизациялашган кўчма колоннасида экскаватор машинисти бўлиб ишламоқдалар. Жуманиёз билан Матжон эса оғалари сафида, машинист ёрдамчиси бўлиб меҳнат қилмоқда. Зарбдор қурилиш иншоотида беш оға-инини ҳамма танийди. Улар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Ўрдаклар учяпти...

Қарши чўлининг кўллари қушлар кишлаётган ҳозирги дамларда айниқса чиройли. Қушлар Ўзбекистоннинг жанубидаги кўлларни Ҳиндистон ва Африканинг илиқ сувларидан афзал била бошладилар. Бу жойларда ўрдак ва ғоз, беҳисоб бошқа қушларни кўрасиз. Бутун сув юзини хилма-хил қушлар тутган, улар саёзликларда хўрак топишяпти, тўқайларда дам олишяпти, Олимларнинг ҳисобларига кўра Қарши кўлларида 30 минга яқин сув қушлари бор.

Луклукўлда оқ турна ўрнашиб қолди. У Ўрта Осиёда қарийб йўқолиб кетганди. Ҳозир эса 113 та шундай турна бу ерда яшаётганлиги қайд этилди. Қарши чўлида яқинда пайдо бўлган Чимқўрғон ва Панчамар сув омборлари ҳам «қуш бозорига» айланган.

Кўллардаги қушлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳиндистон ва Африкадан, Ўрта денгизнинг жанубий соҳилларидан турли қушлар карвони узлуксиз келаётир.

Мана шу бойликларни асраш кишиларнинг вазифасидир. Областда қишловчи паррандаларни муҳофаза қилиш учун махсус қўриқхона барпо этиляпти. Яккабоғ районида 17 минг гектар ер қўриқхонага айлантирилади. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТУРНИРИ

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Катта футбол мавсуми арафасида халқаро анъанавий турнир ўтказилиши ишқибозларга ҳам, турнир иштирокчиларига ҳам қўл келди. Муҳлислар Тошкент, Чирчиқ, Тўйтепа ва Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози стадионларида бир ҳафта мобайнида жуда қизиқарли, ҳаяжонли ўйинлар гувоҳи бўлишди. Турнир учрашувларида ёшларга хос жўшқинлик устун экани кўринди. Матчларга томошабинлар қизиқиши эўр бўлгани боиси ҳам шундан.

Ўтган куни Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида группа ғоблиблари — Совет Иттифоқининг биринчи терма командаси билан Венгрия футболчилари ўртасида финал учрашуви бўлди. Қизиғи шундаки, ҳар иккала финалчи саралаш босқичининг сўнгги турида бир хил ҳисоб (2:1) билан ютуққа эришган эдилар. Мамлакатимизнинг биринчи терма коллективи футболчилари польшаликлари, венгрияликлар эса ГДР вакилларини маглуб этиб, халқаро турнирнинг олтин медаллари учун даъвогар бўлиб олишган эди.

Учрашув «разведкасиз», тўғридан-тўғри ҳужумкорлик усулида бошланди. Томонлар якунловчи босқичда мусобақа эҳтироси, жозибасига берилишдими, ҳар қалай шу куни ўйин ишқибозлар эслаб юрадиган матч бўлди. Меҳмонлар кўпроқ қарши ҳужумда ўйнашга ҳаракат қилишди. Андрей Редкоус учрашувнинг биринчи ярмида, Александр Хапсалис эса иккинчисида моҳирлик билан Ласло Янига дарвозасига биттадан тўп киритиб, терма командамиз ғалабасини таъминлашди. Шундай қилиб, СССР-1 командаси учинчи марта халқаро турнир ғолиби бўлди. Команданинг шу хил турнирда ҳамиша совриндорлар сафидан ўрин олиб келиши мамлакатимизда катта футбол усталарига муносиб ўринбосарлар етиштирилишига тинмай эътибор берилаётгани самарасидир.

Ўзбекистон ёшларининг бу йилги ўйини ҳақида турнирда учинчи ўринни ишғол қилган СССР-2 командасининг катта тренери С. Сальниковнинг фикрлари диққатга сазовор:

— Республикамиз футболчилари ўйинида жисмоний ва техник тайёргарликда камчилик топиш қийин. Мусобақанинг охирги куни Финляндия командасини 4:0 ҳисобида ютишгани ҳам уларда куч-имкониятлар кўплигини кўрсатади. Биринчи терма командамиз бир ҳафта эмас, кейинроқ УЕФА турнири саралаш мусобақаларини бошлаганда борми, Ўзбекистонликлардан ҳимоячи В. Карман, марказий ҳужумчи С. Корнеевларни унинг сафига тавсия қилиш мумкин эди..

Турнир иштирокчиларида маҳорат ўсганини венгрияликлар мисолида кўрса бўлади. Улар 1972 йилда олтинчи ўринни олишганди, бу йил эса кумуш медалли бўлишди.

Халқаро футбол турнири шубҳасиз, ўсмирлар учун маҳорат мактаби бўлиш билан бирга турли мамлакатлар ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланишига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади. Бунда ёшлар ўзаро тажриба алмашиб, бир бирларидан ўргандилар. Меҳмонлар мусобақадан бўш пайтда Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, корхона, ўқув юрти ва колхоз-совхозларда бўлдилар.

Дўстлик, қардошлик ва тинчлик шаҳри бўлган республикамиз пойтахтида иккинчи марта ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Эндиликда Тошкент катта спорт шаҳрига айланиб бораётгани сир эмас.

Р. ҚОСИМОВ,
Ҳ. НОСИРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм 18.45 — «Прогресс» программаси. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Ёшлар ижоди. 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — **«Ахборот».** 20.45 — **«Олтин водий».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Уруш ва тинчлик** (1-серия). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — МОСКВА. 18.10 — Мардлик трассаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30 — **«Жасорат»** 20.00 — Концерт. 20.45 — **Юрканинг келажаги** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Сизнинг фикрингиз? 23.20 — **Баскетбол:** ЦСКА — «Динамо» (Тбилиси). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.10 — Концерт. 20.40 — Ўқув кўрсатуви. 21.20 — **Тошкент янгиликлари.** 21.35 — **Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/III да **Анна Каренина,** 13/III да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да **Лукаш Ботир,** 12/III да **Ҳаёт шоми,** 13/III да **Оқшомдан тушгача.**

КИНО

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Бороро қабиласининг сири — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Бева аёлга совға — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Нега бу ҳол рўй берди? — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Жамияти эмблемасининг энг яхши лойиҳасига

ОЧИҚ КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лўнда, умумлашган, символик формадаги эмблемада Ўзбекистон маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг ғояси ифодаланган бўлиши керак.

Маданий ёдгорликлар — халқ мулкидир. Уларни муҳофаза қилиш — Умумхалқ иши.

Эмблемадан Жамиятнинг ҳамма расмий ҳужжатлари (ёрлиқлар, удостоверение, бланкалар, муҳр, нишонлар)да фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Эмблема лойиҳалари мазмуни қуйидагича бўлиши керак: 10х10 сантиметр атрофидаги ҳажмда эмблема расми: эскиз нишони ўз катталигида.

ЭНГ ЯХШИ ВАРИАНТЛАР УЧУН:

I мукофот — 200 сўм.
II мукофот — 100 сўм.
III мукофот — 50 сўм белгиланди.

Конкурсга материалларни тақдим қилиш муддати 1975 йил 30 майгача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқаев кўчаси, 5-уй, телефонлар 33-66-80, 39-44-57.

●

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

17, 18 МАЙДА

институтни 1951, 1952, 1955-ўқув йилларида битириб чиққанлар билан

ТАНТАНАЛИ УЧРАШУВ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Справкалар учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй, ташкилий комитет. Телефон: 33-99-45.

●

«Ўзсантехгазмонтаж» трестининг Тошкент область монтаж бошқармасига — слесарлар, сантехниклар, газ пайвандчилар, электр пайвандчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 1-қават, 5-хона.

Тошкент ҳисобот-бухгалтерлик техникуми коллективи техникум директори Е. Ю. Юсупалиҳўжаевга онаси Баҳри ТОЛИБЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 01277. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б.—58.